# КПСС Марказий Комитетида

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

олиш асосида, меҳнат коллективлари, умуман жамият ҳал этаётган амалий вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда ишчанлик, ижодкорлик вазиятида ўтиши керак. Тингловчиларда ўқишга қизиқишни сўндирадиган, унинг самарадорлигини камайтирадиган расмиятчилик, қуруқ сафсатабозлик ва мавҳумликдан қатъий халос бўлмоқ лозим.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига 1986/87 ўқув йилига ўз вақтида тайёргарлик кўришни таъминлаш ва бу ўқув йилини юксак ташкилий ва ғоявий-назарий савияда ўтказишни топширди.

Ўқишнинг ҳамма формаларини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш проблемаларини ўрганишга бўйсиндириш таклиф этилди. «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» мавзуи сиёсий маориф системасининг асосий таълим курси, деб ҳисоблансин. Унда партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларнинг ҳал этилиши боғлиқ бўлган асосий омиллар: хўжалик юритиш ва экономикани бошқариш механизмини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун шароит яратиш, меҳнат ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш ва социал адолатни қарор топтириш, социалистик демократия ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувини янги босқичга кўтариш омиллари ўз ифодасини топиши лозим. Совет жамиятини ривожлантиришнинг актуал масалалари СССРнинг социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлигининг янги вазифалари ва имкониятлари, қардош партиялар тажрибасидан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда дунёдаги ҳозирги аҳвол проблемалари, тараққиёт ва реакция кучлари ўртасидаги курашнинг бориши ва унинг истиқболлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими системасида халқ хўжалиги турли тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб «Ишлаб чиқаришни интенсивлаш» курсини табақалаштирилган ҳолда ўрганиш ташкил этилсин.

Биринчи машғулотни «Ўн иккинчи беш йиллик — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётида туб бурилиш беш йиллиги» мавзуига бағишлаш тавсия этилди.

1986/87 ўқув йилида партия ташкилотларига коллективларнинг хусусиятларини ҳамда тингловчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти характеридан келиб чиқиб, ўқишнинг формаларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Партия ташкилотлари, пропагандистлар ўқишни XXVII съезд, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалда ҳал этиш билан йиллик планлар ва мажбуриятларни бажариш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш учун кураш билан пухта боғлаб олиб боришлари лозим. Ўқиш давомида тингловчиларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга, материал — хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга, коллективларнинг, бригадалар, участкалар, цехлар, фермаларнинг ишларини хўжалик ҳисоби асосида қайта қуришга оид конкрет таклифларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, айни пайтда кишиларнинг психологияси ва хулқ-атворини, уларнинг топширилган ишга муносабатини ўзгартириш лозим.

Партия комитетларига ўрганилаётган масалаларни чуқур таҳлил қилиш билан тингловчиларни қизиқтира оладиган, назариянинг ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқлигини таъминлашнинг янада таъсирчан форма ва методларини мунтазам излайдиган, яхши тайёргарлик кўрган пропагандистлар ва лекторлар, олимлар ва ижодкор зиёлилар билан бирга XXVII съезд қарорларини пропаганда қилишга партия, совет, хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол комитетлари раҳбарларини ҳам актив жалб этиш тавсия қилинди.

Пропагандистлар ва ўқиш ташкилотчилари билан семинарлар, ахборот бериш мақсадидаги учрашувлар ўтказиш, КПСС XXVII съезди кўрсатмалари асосида ҳозирги вақтда партия ва давлат ҳал этаётган энг муҳим масалалар юзасидан зарур йўл-йўриқлар бериш, уларни методик справка ва статистика материаллари билан таъминлаш таклиф этилди. Юксак профессионал маҳоратни, нотиқлик санъатини эгаллашда лекторлар ва пропагандистларга ёрдам бериш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлимига, экономика бўлимига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Бутуниттифоқ сиёсий-маориф уйига ўқув планлари ва программаларини, методик материалларни, дарсликларни, ўқув ва кўргазмали қуролларни тайёрлаш ва нашр этишни таъминлаш топширилди.

Министрликлар ва идоралар, хўжалик ҳамда касаба союз органлари, типовой программаларга тегишли тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини, илғор тажрибаларни, қайта қуриш шароитида коллективлар ишининг конкрет вазифаларини акс эттирувчи зарур қўшимчалар киритишлари шарт.

Сиёсий адабиёт нашриётига: «В. И. Ленин социалистик қурилиш тўғрисида», «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — бутун партия, бутун халқ вазифасидир» тўпламларини, «Жадаллаштириш стратегияси» ўқув қўлланмасини нашр этиш агросаноат нашриётига, касаба союз нашриётига, «Экономика» нашриётига иқтисодий таълим системаси учун ўқув қўлланмалари нашр этиш топширилди.

«Коммунист», «Партийная жизнь», «Политическое самообразование», «Агитатор» журналларида илмий ва ишлаб чиқариш — оммавий журналларда, марказий партия газеталарида ўрганилаётган курслар юзасидан назарий ва методик материалларни мунтазам ёритиб бориш белгилаб қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлимига ва экономика бўлимига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг марказий комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ, 1986 йил 1 декабрига қадар сиёсий ва иқтисодий таълим системасини бундан кейин қайта қуриш юзасидан таклифларни тайёрлаш ҳамда уларни 1987 йил биринчи кварталида партия ташкилотларида, матбуотда кенг муҳокама қилиш тавсия этилди. Диққат-эътибор таълимнинг давр руҳига, совет кишиларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос келадиган энг самарали форма ва методларини ишлаб чиқишга, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумидан кейин марксча-ленинча таълим соҳасида тўпланган барча қимматли тажрибаларни умумлаштиришга қаратилсин.

Келгуси ўқув йилидан экспериментлар ўтказиш ҳамда ўқишни ташкил этишга замонавий ёндашувларни синаб кўриш, сиёсий ва иқтисодий таълим ҳамда меҳнаткашларни тарбиялаш, қардош партиялар тажрибасини ўрганиш системасида истиқболли структуравий ўзгаришларни аниқлаш учун фойдаланиш зарур, деб топилди.

---

ЕЗНИНГ сўнгги ойи ҳам ўтиб боряпти. Ҳадемай олтин куз сепини ёяди. Бепоён пахтазорларда ҳосил йиғим-терими бошланади. Ҳар йили шу муҳим кампания олдидан барча дала шийпонларининг терим мавсумига қандай тайёрланганлиги бир-бир кўздан кечириб чиқилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Область партия комитети рейд бригадаси аъзолари Пискент райони хўжаликларида бўлиб дала шийпонларининг йиғим-терим мавсумига шайлигини кўздан кечирдилар, бажарилган ишлар билан танишдилар, мавжуд камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатдилар.

# ХАТОЛАР ЯНА ТАКРОРЛАНМОҚДА

**ПИСКЕНТ РАЙОНИ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИНИ КЕЗГАНДА**

Рейд бригадаси аъзолари бу гал 29 та шийпонни текшириб чиқдилар. Уларнинг атиги биттаси терим мавсумига шай эди...

Район марказидан чиққан енгил машина кўп юрмай ўнгга бурилди. Кенг карта бошида «Охунбобоев номли колхознинг Норинбой Ҳасанов бошлиқ 5-бригадаси» деб ёзилган бригада паспортига кўзингиз тушади. Колхозда 26 та дала шийпони бор. Уларнинг 21 таси типовой усулда қурилган. Қолганлари эса мавсумийдир. Хўжаликда бу йил янгидан 5 та шийпон қурилди. Яна битта шийпон қурилиши ниҳоясига етяпти. Машина карта тепасидан ўтган асфальт йўл бўйлаб 5-бригаданинг типовой усулда қурилган кўркам шийпонига етиб келди.

Бу ерда колхозчиларнинг ишдан бўш соатларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Дам олиш хоналари кенг ва шинам. Сўриларга дарахтлар қуюқ соя ташлаб турибди. Телевизор, радиоприёмник, холодильник — ҳамма-ҳаммаси бор. Газета ва журналларнинг янги сонлари тартиб билан қўйилган. Шийпон пештоқига «Меҳнат интизоми — муваффақиятлар гарови» деган сўзлар ёзилган шиор осиғлиқ. Стендларда бригада ва колхоз меҳнаткашларининг бу йилги мажбуриятларини ўқиш мумкин.

Рейд бригадаси аъзолари коллективнинг меҳнат муваффақиятлари билан танишмоқчи бўлдилар. Лекин кундалик иш натижаларини кўрсатувчи стендлар кўзга ташланмади. Фақат табелни кўрсатишди. Унда ҳар бир бригада аъзосининг иш куни ва олган маоши ёзиб қўйилибди, холос.

Текширув давомида шунга ўхшаш яна баъзи камчиликлар аниқланди. Медицина аптечкасида керакли дори-дармонлар йўқ эди. Ҳатто оддий бинт, йод, кўк дори ҳам топилмади. Шундай ҳол бошқа дала шийпонларида ҳам кўзга ташланди. Медицина ходимлари бу ерда қачон бўлганликларини ҳеч ким айтиб беролмади. Калинин номли колхознинг 6-бригадаси дала шийпонида тутилган дафтарчада эса медицина ходимлари охирги марта 16 апрелда бўлганликлари қайд этилган эди.

Рейд қатнашчилари Охунбобоев номли колхознинг Ўринбой Бўтаев бошлиқ 8-бригадаси дала шийпонида ҳам бўлдилар. Шийпон обод ва кўркам қилиб қурилган, телевизор, радиоприёмник, холодильник билан жиҳозланган. Водопроводдан зилол сувлар оқиб турибди. Сотувчисиз дўкон ташкил этилган. Маълум бўлишича сотувчисиз дўкон колхоз бўйича фақат шу бригадада бор экан, холос. Лекин колхозчилар учун зарур бўлган моллар кўзга ташланмади. Район матлубот жамияти ходимлари бу ерда камдан-кам бўладилар, колхозчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олмайдилар. Шу боисдан ҳам дўкон кўпинча қулф туради.

Ошхонада газ плитаси бўлса ҳам негадир бугун шўрва ташқаридаги қозонда қайнаяпти. Газда фақат чой қайнатиш мумкин экан. Кўпчиликка овқат қилиб бўлмайди. Шу боисдан ошпаз ая ўчоққа олов қалаб ташқарида тушлик тайёрлаяпти. «Пискент», «КПСС XXVI съезди» совхозларида ҳам шундай фойдаси тегмаётган газ плиталари кўринди.

Свердлов номли, Калинин номли, Тельман номли колхозларнинг раҳбарлари шийпонлар газлаштирилган деб эрта баҳорда рапорт берган эдилар. Лекин текширув пайтида газ плиталарининг бирортаси ҳам ишламаётганлиги маълум бўлди. Шийпонлар учун газ плиталари эмас, кўпроқ газ ўчоқлари керак бўлади. Буни ҳеч ким эътиборга олмаяпти.

Рейд бригадаси аъзолари Ўринбой Бўтаевнинг дала шийпонида бўлишганида социалистик мусобақа бурчагини ҳам кўздан кечиришди. Лекин бу ерга қўйилган маълумотлар ўтган йил якунларига оид эди. Коллективнинг шу кунги меҳнатини кўрсатувчи маълумотлар топилмади. Бу ҳақда бригада бошлиғи ҳам, колхоз партия, касаба союз ташкилотлари ҳам ўз вақтида ғамхўрлик қилишмаяпти.

— Бригадамиз ҳар бир аъзоси ўзаро мусобақадош, — деди Ў. Бўтаев.— Бундан ташқари 10-бригада аъзоларини ҳам мусобақага чақиришган. Мусобақалашиб ишлаб яхши натижаларга эришмоқдамиз.

Натижалар қани? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Мусобақанинг ошкоралиги учун курашиш зарурлигига эътибор қилишмаяпти.

Қобил Қаршибоев бошлиқ бригаданинг мавсумий дала шийпонига киришни рейд бригадаси аъзолари пландаштиришмаган эди. Лекин йўл-йўлакай кириб ўтишга тўғри келди. Эски шийпон карта чеккасида хурпайиб турарди. Хоналар қоронғи. Шу боисдан ҳовуз бўйига қурилган кроват усти колхозчилар билан гавжум эди. Кроватга одам сиғмагач ерга ҳам шолча тўшаб қўйишибди. Уларнинг туш пайтидаги эрмаги фақат телевизор экан. Кўргазмали агитация воситалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. «Социалистик мусобақага кенг йўл» деб ёзиб қўйилган шиор биринчи ёмғирдан кейиноқ ўчиб кетган.

7-бригада учун қурилган янги дала шийпонини қабул қилиб олишда эса шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги шундай кўриниб турибди. Ҳали деразаларга ойна қўйилмаган, хоналарнинг шипи ҳам битмаган. Синиқ шиферлар ёпилганлиги учун ёмғир ёғиши билан шийпондан чакка ўтиб кетади. Шу боисдан ҳам хоналарни жиҳозлашга, социалистик мусобақа бурчагини ташкил этишга ҳеч ким ҳафсала қилмаяпти.

—Биз тушда куй-қўшиқлар тинглаб дам олишни, лекция суҳбатлар тинглашни истаймиз,—деди колхозчи С. Алишанова.— Лекин концерт бригадалари бирор марта ҳам шийпонимизга келмаган. Маданий-маиший хизмат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Барча дала шийпонларида шундай эътирозлар қулоққа чалинди. Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари шийпон йўлини унутиб қўйишганга ўхшайди. Ваҳоланки кўпгина дала шийпонларидаги холодильник ва телевизорлар ремонтталабдир.

Вақт тушликка яқинлашиб қолган эди. Бригадир Сайдали Ғанибоев колхозчиларни дастурхонга таклиф этди. Лекин одамлар кам эди. Фақат коллективнинг чорак қисми шу ерда овқатланди. Қолганлар уй-уйларига тарқаб кетишди. Шундай аҳволни «Пискент» совхозининг 1-бўлимидаги 1-, 4-бригадалар, 3-бўлимнинг 6-бригадаси дала шийпонларида ҳам кўриш мумкин. Тельман номли колхознинг 3-бригадасида, «КПСС XXVI съезди» совхозининг 3-бўлимидаги 3-бригадада, 6-бўлимнинг 4-бригадасида эса умуман иссиқ таомлар ташкил этилмаяпти.

Текширув давомида рейд бригадаси аъзолари Свердлов номли колхознинг 18-бригадаси дала шийпонида ҳам бўлдилар. Шийпон бекаму-кўст жиҳозланган. Лекин у кейин маълум бўлишича намуна учун қурилган экан. 300 метрча нарида қурилган 20-бригада дала шийпони ночор аҳволда: газ ҳам, электр чироғ ҳам йўқ. Газета-журналлар умуман келтирилмайди. Ёнма-ён қурилган шийпонлардаги икки хил манзара ҳаммани ажаблантирмоқда.

Бир сўз билан айтганда Пискент район хўжаликларидаги дала шийпонларида йиғим-терим мавсумига етарлича ҳозирлик кўрилмаяпти. Илгари йўл қўйилган хатолар бу йил яна такрорланмоқда. Вақт кутиб турмайди. «Оқ олтин» терими бошланадиган долзарб кунлар яқинлашмоқда. Қизғин дамлар олдидан барча дала шийпонларини намунали ҳолга келтириш, теримчилар учун зарур шароитларни олдиндан яратиб қўйиш шу куннинг муҳим вазифасидир.

**РЕЙД БРИГАДАСИ.**

---

**ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН**

## ИХТИРО ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИ КУТЯПТИ

**ИНТЕНСИВ** режимда қудуқ қазувчи илғор пармакашлар янги «тезлатиш асбоби» олдилар. Бу — республика геология министрлиги геологик-экономик тадқиқотлар методик экспедициясининг ихтирочилари таклиф этган қурилмадир. Қурилма энг қийин операция — парма асбобини кўтариш ва туширишнинг ўзини назорат этади. Алоҳида датчиклар парма трубалар колонкаларининг ҳаракат тезлигини, унинг массасини, қудуқнинг кўндаланг қирқимини, қудуққа қўйилган эритманинг ёпишқоқлигини назарда тутади.

●

**ТОШКЕНТДАГИ** давлат машинасозлик лойиҳа-конструкторлик ва технологик бюросида ўзини-ўзи тозалаб турадиган ажойиб бир элак ихтиро этилди. Унинг ёрдами билан, масалан, полиэтилен гранул каби майда полимерларни хиллаб чиқиш мумкин.

Бир неча «қават» қилиб қалин тортилган торлар бу элакнинг негизини ташкил этади. Эланадиган материал тушиб турган қурилма айланар экан, торлари дириллайди. Ана шу дириллаш элак тешикчаларини ёпиб қўйиши мумкин бўлган зарралардан автомат тарзда бўшатиб туради.

●

**КЎПЛАБ** ишлаб чиқарилаётган ёмғирлатиш аппаратлари думалоқ шаклдаги участкаларга бир текисда сув сепади. Хўш, дала доирабий бўлмасачи?

Бу ҳолда ирригация-мелиорация ишлари ва ғўзани суғоришни механизациялаш Тошкент давлат махсус конструкторлик бюросининг ходими А. Воҳидов ихтиро этган мослама қўл келади.

У одатдаги ёмғирлатиш машинасига ностандарт дала шаклини такрорловчи копир билан алоҳида сурилма механизм тиркади. Копир шу сурилма механизми сув берувчи ствол ўқи бўйлаб жилишга мажбур этади. Шундай қилиб, ҳозир ствол қайси участкага йўналтирилганлигига қараб сув оқими ўз диаметрини ўзгартиради, шу билан бирга сув отилиш олислиги ҳам ўзгаради. Натижада ёмғир айни нишонга бориб тушади!

(ЎзТАГ).

---

# ДОКЛАДГА КИРМАГАН ГАПЛАР

**ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР**

Партком вакили цех партия ташкилоти секретари, иккинчи бригада ҳисобчиси Мансурбек Ҳайдаров тайёрлаган ҳисобот докладини йиғилиш арафасида қайта кўздан кечириб, бир қатор ўзгартишлар киритди. Танқидий фикрлар бироз кучайтирилди, камчиликларга йўл қўйган коммунистларнинг бир-икки нафари номма-ном тилга олинди, вазифалар қўйилди. Шундан сўнг доклад оз бўлса-да, жонлангандек туюлди.

2-бригада цех партия ташкилоти ҳисобида 14 коммунист бор. Қўшни 3-бригада, парник хўжалиги, боғ бригадаси коммунистлари ҳам шу ташкилотга бирлашишган. Ҳисобот-сайлов йиғилишининг қачон бўлиши олдиндан кўпчиликка маълум эди. Шунга қарамай тайёргарлик ишлари анча кечикиб бошланди. Ҳисобот докладини, қарор лойиҳасини тайёрлашга оддий коммунистлар жалб этилмади. Бу ишлар билан асосан секретарь ва унинг ўринбосари шуғулланди. Шу боисдан докладда кўп соҳалар қамраб олинмади. Идеологик, ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишлар чуқур таҳлил этилмади.

Коллектив ўтган йилнинг шу даврида давлатга 356 тонна сабзавот топширган эди. Бу йил эса аксинча, 111 тонна кам маҳсулот топширилди. 8 гектар ердаги помидорни териб олиш ва давлатга топшириш ниҳоятда суст бораяпти. Эртаги карамдан эса бир грамм ҳам ҳосил олинмади. Уруғ танлашда мутахассислар янглишишган экан. Эътиборсизлик билан баҳорда эртаги карам ўрнига кечкиси экиб юборилди. У бевақт гуллаб, ҳосил тугмади. Бундан хўжалик каттагина зарар кўрди. Айрим коммунистларнинг масъулиятсизлиги билан келтирилган зарарни қоплаш учун ҳозир ҳамма овора.

Ҳисобот докладида ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган коммунистлар адресига жиддийроқ гаплар айтилмади. Ҳисобда турган партия аъзолари фаолиятига тегишли баҳо берилмади. Бегона ўтлар орасида қолиб кетган экинлар, далалардан вақтида ташиб келтирилмаган помидорлар тилга олинди-ю, лекин бундай ҳоллар кимларнинг айби билан содир бўлаётганлиги четлаб ўтилди.

Бригадада тузилган халқ контроли пости аъзолари қишлоқ хўжалиги ишларида содир бўлаётган камчиликларни тугатишда катта ёрдам беришлари мумкин эди. Аммо пост раиси Ў. Сабатаев назоратчилар эътиборини маълум вазифаларга қарата олмади. Назоратнинг бўшлиги учун ҳам хўжалик ишлари ўлда-жўлда қолиб келаяпти. Цех партия ташкилотининг комсомолга раҳбарлиги ҳам сезилмайди. Бу коллективда ўндан ортиқ комсомол йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Аммо ишлаб чиқаришни ривожлантиришда улар ҳиссаси унчалик кўринмаяпти. Ёшларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш юзасидан зарур чоралар амалга оширилмаяпти. Ҳисобот даврида ишчан ёшлар ҳисобига партия сафларини ўстириш эътибордан четда бўлди.

Музокарада қатнашган коммунистлар Э. Тошпўлатов, О. Шерматова, И. Қаюмов ва бошқалар докладга кирмай қолган кўпгина фактларни тилга олиб ўтдилар. Улар энг аввало партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида партия ва хўжалик ишларини қайта қуриш жараёнини тезлаштириш зарурлигини уқтирдилар. Ҳар бир коммунист ўз фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиши, меҳнатда ва юриш-туришда барчага намуна бўлиши шарт.

Нотиқлар партия Устави талабларига риоя қилмаётган коммунистлардан қаттиқ талаб этиш зарурлигини таъкидладилар. Йўлдош Одилов, Тўра Бердиев каби коммунистлар аъзолик бадалларини вақтида тўламайдилар, партия йиғилишларида фаол иштирок этмайдилар. Цех партия ташкилоти эса интизомсиз коммунистлар билан муроса қилиб келаяпти. Уларни вақтида муҳокама қилиб, тўғри йўлга солиб қўйиш пайти келди.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз цех партия ташкилотида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг дастлабкиларида баъзи камчиликлар сезилди. Навбатдаги йиғилишларнинг юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтиши учун олдиндан пухта ҳозирлик кўриш, ҳисобот даврида бажарилган барча ишларни танқидий кўз билан ҳар томонлама пухта таҳлил этиш ва бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларни конкрет белгилаб олиш зарур.

**Ж. НОСИРОВ.**



**● «ТЕХНОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Владимир Куракуловни кўпчилик яхши танийди. У меҳрибон мураббий сифатида ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ҳозирда шогирдларининг кўпчилиги мустақил ишлашга ўтган. Ўзи эса шахсий меҳнат беллашувининг доим олдинги сафларида боради. В. Куракулов КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан кунлик нормасини бир ярим бараварга етказиб адо этмоқда.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

---

**МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ**

# МЕҲРИНИСО МЕҲРГА ЗОР

**«ҲУРМАТЛИ редакция! Тўққиз йилдан бери Оҳангарондаги «Стройпластмасса» комбинатида ишлайман. Тўрт болам билан беш йилдан бери ижарага олинган уйда яшайман. Лекин бу мени сизларга хат ёзишга мажбур қилган асосий сабаб эмас. Гап бошқа томонда. Ўтган йилнинг июль ойида цехда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли оғир шикастландим, машина ўнг қўлимни кесиб кетди. Шифохонада ўн икки ой ётдим. Шу давр мобайнида ишхонамдан бирор киши келиб ҳолимдан хабар олмади. Одам қорнига эмас, қадрига йиғлар экан. Бир йилдан бери ишламаяпман, наҳотки иш жойимда ўрним сезилмаган бўлса. Ана шуларни ўйлаб охири ушбу мактубни битдим.**

**Салом билан Меҳринисо ЮСУПАЛИЕВА».**

## ОҚИБАТ

...МЕҲРИНИСО асли деҳқон қизи. У Оҳангарон яқинидаги Қорахитой қишлоғида ўсиб улғайди. Балоғатга етгач шаҳарга келин бўлиб тушди.

— Сен уйда бекор ўтирма,— деди умр йўлдоши Ўрозали.— завод-фабрикага кириб ишла, коллективга қўшил, кўпчилик билан бирга бўл. Ишлаган одам кам бўлмайди.

Орадан кўп ўтмай Меҳринисо «Стройпластмасса» комбинатига ишга жойлашди. Суяги меҳнатда қотган қиз эмасми, хаш-паш дегунча касбдошлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Ҳар қандай оғир ишдан ҳам бўйин товламади. Аммо уй шароити бироз мушкулроқ эди. Шунинг учун у 1981 йилда квартирага навбатга турди. Катта корхонага квартиралар кўп берилади, ҳадемай навбат ҳам келиб қолар, деб ўйлади у.

Йўқ, иш Меҳринисо ўйлаганчалик бўлиб чиқмади. 1983 йилга келиб комбинат касаба союз комитети раиси Меҳринисонинг уй ҳақидаги аризаси йўқолганлигини айтди. У ариза ёзиб қайтадан навбатга турди. Ҳеч қаерга арз қилмади. Даста-даста қоғозлар орасида йўқолса йўқолиб кетгандир. Ўзи эса яна ҳам яхшироқ ишлашга ҳаракат қилди. Шу йўсинда йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди.

...Ўша куни бир пастда цехда ғала-ғовур бўлиб қолди. Меҳринисо машина олдида хушсиз ётарди. Эзилган ўнг қўлидан тирқираб қон оқарди. Кимдир стакан кўтариб сувга югурди, кимдир телефон аппаратига ёпишди.

Бир қултум сув ичиб Меҳринисо бироз кўзини очди. Лекин атрофда нималар бўлаётганини англаб етолмасди. Кўз олди қоронғилашиб, қулоқлари шанғилларди. Унга далда бераётган ҳамкасбларининг сўзларини эшитмас, елиб-югураётган кишиларни кўрмасди.

Ҳадеганда «тез ёрдам» машинасидан дарак бўлмади. Шундан кейин Меҳринисони ишчилардан бири ўзининг «Жигули» машинасида касалхонага олиб кетди.

— Пешонаси шўр экан, жўжа бирдек жон эди, эри бечора ҳам касалманд, энди унинг ёнига ўзи ҳам қўшилди. Энди болаларига ким қарайди-а,— деди кимдир орқасидан кўзларига ёш олиб.

...Меҳринисо бугун иккинчи сменага ишга келган эди. Смена тугашига қирқ минут қолганда шу фалокат юз берди.

Бундай бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз. У линолеум цехида ўровчи бўлиб ишларди. Конвейерда келаётган линолеумлар 12 метрли қилиб, рулон шаклида ўраб, қирқилади. Нимаям бўлди-ю, у ишлаётган конвейер тўхтаб қолди. Етиб келган мастер «слесарь келгунча катта конвейерда ишлаб турасиз», деди. Меҳринисо йўқ демади. Шу пайт слесарь келиб, кичик конвейерни тузатишга киришди.

— Тезроқ қимирла, Меҳринисо бугун тағин планни бажармай қолмасин, — деди мастер слесарга.

Меҳринисо катта конвейердан линолеумни ўтказа бошлаётганида... бахтсиз ҳодиса рўй берди. Ўнг қўлини бехосдан машина линолеум билан бирга ўраб кетди...

— Салкам бир соатча кўнглим беҳузур бўлиб ётдим,— деб эслайди у.— эзилган қўлимни боғлашга бир ўрам бинт ҳам топилмади. Цехдаги ишчилар шошиб қолишди. Фақат уйдагилар билишмасин, тунда безовта бўлишади, болаларимнинг тинчи йўқолади, дедим врачларга.

— Унинг суяклари мажақланган эди,— деб эслайди даволовчи врач Зураб Квеливелидзе,— аввалига қўлни кесиб ташламоқчи ҳам бўлдик. Кейин замонавий ускуналар, дори-дармонлар ёрдамида қўлни асраб қолишни ўйладик. Ахир тўрт нафар фарзанди бор экан. Уларни оқ ювиб, оқ тарашга аёл қўли керак. Бунинг устига эри ҳам ёрдамга муҳтож экан. Шу томонларни чуқур ўйлаб, эзилган қўл суякларини қайта тиклаш йўлларини излай бошладик.

Совуқ хабар тез тарқалади, деб бежиш айтишмайди. Бахтсиз ҳодиса эрталабданоқ Меҳринисонинг умр йўлдоши Ўрозалининг қулоғига етиб борди. У туни билан хавотирланиб чиққан эди. Негадир кўнгли ғаш эди. Ҳаммаси шундан экан. Совуқ хабарни эшитди-ю, касалхона югурди. Йўл-йўлакай ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

Палатага киргач яна хўрлиги келди. Лекин ўзини тутди.

— Омон қолганингга шукур қил, қайси бир болангнинг бахтига тирик қолдинг. Қўлинг тузалади, тез кунда бу кунлар унут бўлади. Ҳамма сенга шифо тилаяпти.

Меҳринисо соғ қўли билан кўзларига қалққан ёшларни артди. Унсиз чуқур хўрсинди.

— Овора бўлиб кўп келаверманг, болаларга ўзингиз қаранг, очин-тўқин юрманглар, — деди секин. — Цехдан, комбинатдан келиб туришар, раҳбарлар ҳам эшитган бўлса керак...

Меҳринисо линолеум цехида саккиз йилдан бери ишлар эди. Тунда рўй берган ҳодиса эртаси куни цех бошлиғининг ҳам, комбинат раҳбарларининг ҳам қулоғига етди.

Лекин ҳеч кимдан дарак бўлмади. Тўғри, орадан анча вақт ўтгач цех бошлиғи Қобулов бир марта келиб кетди. Бошқа кўринмади. Маъмуриятдан эса умуман ҳеч ким келмади. Яхши жигарлари бор экан, келиб кўнглини кўтаришди, дардига шерик бўлишди. Бироз ўзига келгач, болаларини ҳам чақирди. Уларни кўриб, кўнгли яйради, дардини унутди.

Меҳринисо анча соғайиб палатадан ташқарига чиққан куни фавқулодда цех бошлиғи билан техника хавфсизлиги инспекторини кўриб қолди. Улар травматология бўлими бошлиғи хонасидан чиқиб келишаётган эди. Уларнинг бу ерга нима учун келганликларини у кейинчалик тушунди: Меҳринисонинг шикастлангани ҳақидаги медицина ҳужжатларини «силлиқлаш» ниятида юришган экан. Улар ўзларидан жавобгарликни соқит қилиш учун диагнозни бошқача қўйдиришибди.

— Кейинроқ ВТЭКка борадиган бўлиб, ҳужжатларни йиғдим, — дея хўрсинди Меҳринисо, — касалхонадан берилган справкада қўл суяклари ёпиқлигича синган, деб ёзилган диагнозни кўриб қолдим. Очиқ синган суяк билан ёпиқ синган суяк ўртасида от билан туядек фарқ борлигини билардим. Ахир қўл суякларим очиқ синган эди-ку. Бу ҳол тўғри ёзилса айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш керак бўларди.

...Цех бошлиғи билан техника хавфсизлиги инспекторининг касалхонага келиб-кетиши шундан эди. Олдин ҳам улар шундай қилишган эди. Цехда рўй берган бахтсиз ҳодисаларни таниш-билиш орқали ёнди-ёпди қилиб юборишган эди. Яна шу «усул»ни қўллаб Меҳринисо билан бўлган воқеани ҳеч кимга билдирмасликка уринишди. Уларнинг бундай хуфёна иш тутишларидан Меҳринисонинг дили оғриди, қадр-қиммати оёқости бўлганлигига хўрлиги келди.

Меҳринисо комбинатда тўққиз йил ишлаб, ҳатто, бир хонали уй ҳам ололмади. Аксинча меҳнат инвалиди бўлиб қолди.

— Жуда ҳам ачинарли ҳол, — деди комбинатнинг янги директори Л. Х. Пяк. — Афсуски, ўша пайтда Меҳринсонинг қадр-қимматини оёқости қилган раҳбарларнинг бирортаси ҳам ҳозир йўқ. Улар ишдан бўшаб кетишган. Бу воқеа кўзимизни очди. Меҳринисо эътиборимиздан четда қолмайди, уй-жой шароитини яхшилашга ёрдам берамиз.

Инсон кўнгли гулдек нозик, деганлари рост экан. Бир оғиз ширин сўз билан кўнгил тоғдек кўтарилиши, бир оғиз дағал сўз билан эса дили вайрон бўлиши мумкин. Бемор Меҳринисо шипга тикилиб ётганида шуларни ўйлади. Наҳотки, одамлардан оқибат кўтарилаётган бўлса.

Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам одам-одамга суянади. Шундай экан, бир-биримизни ҳамиша йўқлаб туришимиз, дардга дармон бўлишимиз керак. Бу — меҳрга чанқоқ ҳар бир инсон учун жуда ҳам зарурдир.

**А. ҒУЛОМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ВАЪДА КЎП, ЁРДАМ ОЗ

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари қабул қилинганидан буён бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Дастлабки пайтларда бу муҳим ҳужжатнинг таъсири ҳамма жойда сезилаётгандек, ҳамма қўллаб-қувватлаётгандек эди. Лекин уни амалга ошириш учун олиб борилаётган ишларнинг суръати ҳозирча жуда суст. Мен, албатта, ўзим ишлаётган мактабни кўзда тутяпман. Бунинг сабаби, биринчидан, мактабларда янгича талабларни амалга оширишда ички резервлардан самаралироқ фойдаланнилмаётганлиги бўлса, иккинчидан, айрим оталиқ ташкилотларининг мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлашга етарли ёрдам бермаётганлигидир.

Мисол учун мактабда меҳнат тарбиясининг аҳволини олиб кўрайлик. Бу масалада аниқ бир йўналиш, доимийлик, тартиб-қоида йўқ. Базанинг ночорлиги сабабли меҳнат дарслари шунчаки, номигагина ўтилмоқда. Ишлаб чиқариш таълими учун бир амаллаб жиҳозланган иккита кабинетда болалар фақат кетмон даста, гултуваклар учун чамбараклар ясашни ўрганадилар, холос. Кўриниб турибдики, бу билан биз ҳозирги даврнинг: «ўқувчи мактабда оммавий ишчи касбларидан бирини албатта эгаллаши лозим» деган талабига жавоб беролмаймиз.

Аммо бу ҳақда оталиқ ташкилотлар — луб заводи, мотор-ремонт заводи, район қишлоқ хўжалиги техника таъминоти бўлими, 94-қишлоқ кўчма механизациялашган колоннаси раҳбарлари билан бир неча бор суҳбатлашилганига қарамай, улар ҳамон қуруқ сўздан амалий ишга ўтмаяптилар. Ваҳоланки, ислоҳотда белгиланган тартибга кўра оталиқ ташкилотлари ўқувчилар учун ишлаб чиқариш майдонлари, техника ва ускуналар ажратиб беришлари керак эди. Мактаб ремонти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳам худди шундай аро йўлда. Бўёқ топилса, алебастр топилмайди, цемент деб ўқитувчи ёки директор зир югуриши керак. Оқибатда бу ишларнинг ҳаммаси чалачулпа, пала-партиш бажарилади.

Менимча, район партия, совет ташкилотлари оталиқ ташкилотларига «кўзингизни очинг, ислоҳот ҳамманинг иши, мактабда ҳамманинг боласи билим олади, ёрдамингизни аяманг», деб жиддийроқ талаб қилишлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Гап меҳнат тарбияси ҳақида борар экан, бевосита мактаб коллективининг ўзига боғлиқ бўлган бир масала ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Асосий йўналишларда юқори синф ўқувчиларида меҳнатга кўникма ҳосил қилиш, уларни касбга ўргатиш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бизнингча, меҳнат тарбиясини бошланғич синфлардаёқ болаларнинг қобилиятига қараб кучайтиравериш керак. Чунки меҳнатга меҳр қанча эрта уйғонса, кўникма шунча мустаҳкам шаклланади. У ўқувчи фаолиятида доимий бўлиб қолади. Хусусан, биз тарбияни шу тарзда йўлга қўйдик. Ўтган ўқув йили давомида қуйи синфлар посёлкамиздаги 1- ва 2-боғчаларга оталиқ қилишди. Улар болалар чойшаблари ва ёстиқ жилдларини ремонт қилиш, дарахтлар ва гулларни парваришлашда тарбиячиларга кўмаклашдилар. Улар бу ишларни меҳнат дарсларида, баъзан дарслардан ташқари пайтларда ҳам бажардилар. Аммо бундан бизнинг кўнглимиз тўлгани йўқ.

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ОЛДИДАН**

Областимизда қуйи синф ўқувчиларининг тикувчилик билан шуғулланишлари учун тўла шароит яратиб қўйилган мактаблар бор. Масалан, Бўстонлиқ районидаги қатор мактабларда бир неча йилдан буён бичиш-тикиш машғулотлари тўғри йўлга қўйилган. Ана шу тажрибани ўрганиб, ўзимизда жорий этиш ниятимиз бор. Лекин барибир айланиб келиб, ҳамма нарса яна моддий базага тақалади. Шунинг учун ҳам оталиқ ташкилотларининг масъулиятини ошириш керак.

Биз, педагогларнинг август кенгашларида мактабимизда ҳарбий-ватанпарварлик, эстетик тарбияни яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз. Айниқса, олти ёшлиларни ўқитиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар тўғрисида батафсил гаплашиб оламиз.

Олти ёшлилар учун қаттиқ инвентарлар, ўқув кўргазмали қуроллар, китоблар йўқ. Шу пайтгача харид қилинган биргина юмшоқ инвентарлар ва ўйинчоқларнинг ўзи билан болаларни ўқитиб бўлмайди. Сентябрь эса эшик қоқмоқда.

**Р. ИКРОМОВ,**
**Коммунистик районидаги Ленин номли 7-ўрта мактаб директори.**

**Ҳеч кимга сир эмаски, қишлоқда яшаётган деярли ҳар бир киши ўзининг шахсий томорқасига эга. Улар ўзлари етиштирган ва эҳтиёжлардан ортиқча деҳқончилик, шу жумладан, чровачилик маҳсулотларини давлатга топширадилар. Хўш, жойларда аҳолидан сутни қабул қилиб олиш қандай ташкил этилмоқда, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган қандай муаммолар бор? Биз ана шу саволларга жавоб излаб Калинин районида бўлдик.**

# БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА...

**АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: АҲОЛИДАН ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАРИД ҚИЛИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН?**

— ДАРҲАҚИҚАТ, бу иш билан авваллари жойлардаги Совет органлари, шунингдек колхоз ва совхозлар шуғулланарди,— деди район агросаноат бирлашмаси Совети раисининг биринчи ўринбосари Тўйчи Мирхонов. — Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш борасида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шу йил март ойида қабул қилган қарорига асосан эндиликда бу вазифа бевосита матлубот кооперациялари зиммасига юкланди ва керакли тадбирлар белгиланди. Кооператорлар колхоз ва совхозлар, шахсий хўжалик эгалари билан шартномалар тузишлари ва шу асосда маҳсулотни қабул қилишлари керак. Сўнгра бу маҳсулотлар қайта ишланиб, асосан маҳаллий аҳолига сотилиши лозим.

Районда 1986 йилнинг иккинчи ярмида ана шу йўл билан шахсий хўжаликлар ҳисобига тирик вазнда 840 тонна гўшт ва 790 тонна сут тайёрланиши даркор эди. Шу мақсадда район матлубот жамияти июль ойининг биринчи ярмигача колхоз ва совхозлар, гражданлардан чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш ва уларни қайта ишлаш бўйича шартномалар тузиши, сут ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи, тўла жиҳозланган, санитария қоидаларига тўла жавоб бера оладиган махсус дўконлар очишни ташкил этиши лозим эди. Бироқ бу қарорнинг бажарилиши ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Кўплаб хўжаликлар билан эндигина шартномалар тузилди, холос. Улар ҳам бўлса қоғозда қолиб кетмоқда. Аниқ ва пишиқ-пухта тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Маҳсулотни қабул қилиб олиш учун махсус пунктлар ташкил этиш, магазинлар очишни ҳеч ким ўйламаяпти. Шунинг учун ҳам ҳамон эскича усулда иш олиб борилмоқда. Район матлубот жамиятидаги ўртоқлардан нега бундай бўлаяпти, деб сўрасангиз елка қисишдан нарига ўтишмайди. «Бу асосан колхоз ва совхоз раҳбарларининг вазифаси, биз эса ўртада воситачимиз» деб ўзларини оқламоқчи бўлишади.

Ҳозирча эса район қишлоқ ва посёлка Советлари, шунингдек, колхоз ва совхозлар аҳолидан сут қабул қилишни бир амаллаб давом эттирмоқдалар.

Бу йил жойлардаги Совет органлари жами 250 тонна сут тайёрлашни планлаштирган эди. Ўтган етти ой мобайнида аҳолидан атиги 112,8 тонна маҳсулот қабул қилиб олинди, холос. Ёки етти ойлик топшириқ 90,3 процентга уддаланди. Фрунзе қишлоқ Совети бу соҳада бир мунча дуруст натижаларга эришаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бу ерда етти ойлик топшириқ 189 процентга бажарилди. Шунингдек, Хонобод қишлоқ Советида ҳам аҳолидан сут ҳарид қилиш ишлари яхши ташкил этилди. Аммо Ўзгариш, Қатортол ва Ленин номли қишлоқ Советлари, Ўртаовул посёлка Советларида маҳсулот тайёрлаш бўйича етти ойлик топшириқлар 33,1—49,8 процентда қолиб кетди. Мазкур қишлоқ ва посёлка Советларида ташкилий тадбирлар суст амалга оширилмоқда. Шахсий хўжалик эгаларидан қабул қилиб олинаётган сутнинг ёғлилик даражаси турлича бўлишига қарамай уларни аниқлаш ва ҳисобга олишнинг имкони йўқ. Бунинг оқибатида эса астойдил жон куйдириб меҳнат қилган, сифатли маҳсулот топширган кишиларни рағбатлантиришда ҳам қийинчиликлар вужудга келмоқда. Чунки жами йиғилган сут маҳсулотлари Тошкент сут саноати корхоналари бирлашмасининг шу райондаги қабул пунктига топширилгандан сўнггина уларнинг сорти, ёғлилик даражаси аниқланади. Бу вақтда ҳамма маҳсулот аралашган бўлади.

Булардан ташқари район хўжаликларида колхозчилар ва совхоз ишчиларидан шартнома асосида етти ойда 240,6 тонна сут олиниб, давлатга сотилди. Ҳозир хўжаликларда шахсий хонадонлардан кунига 2 тоннага яқин сут қабул қилинмоқда.

Шу ўринда гап яна партия ҳукуматимиз қарорининг қандай бажарилаётганлигига келиб тақалади. Афтидан Калинин районида уни бажаришда бор отангга, бор онангга қабилида иш тутилаётганга ўхшайди. Қарорда айтилганидек, район матлубот жамиятидаги мутасидди ўртоқлар зудлик билан тадбирий чораларни кўришлари лозим. Агар жойларда махсус сут қабул қилиш пунктлари ташкил этилса, улар етарли жиҳозлар билан таъминланса, шахсий хўжаликлардан олинаётган маҳсултонинг ёғлилик даражаси, сорти қандай эканлиги шу ернинг ўзида маълум бўлади. Хонадон эгаларини рағбатлантириш, уларга ҳақ тўлашни ташкил этиш тартибга солинарди. Шунингдек, сутни қайта ишлаш ва аҳолини бундай маҳсулотларга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бизнингча бу вазифа аниқ бир ташкилотга юкланган. Мутасадди ўртоқлар уни бажариш учун шахсан жавобгардирлар.

**Қ. КАРИМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Сафарали Камеков бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси ишчилари бу йил бедадан мўл ҳосил олмоқдалар. Ўз вақтида озиқлантирилаётган, суғорилаётган майдонларда айни кунларда тўртинчи ўрим бошлаб юборилди. Суратда: бедазорга сув қўйиш пайти.**

А. Зуфаров фотоси.



## ХУШХАБАРЛАР

### ШИЙПОНДА УЧРАШУВ

**Тушлик пайтида «Победа» колхозининг Қ. Эгамбердиев бошлиқ бригадаси дала шийпони колхоз меҳнаткашлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Коммунист» газетаси редакцияси ижодий ходимларининг хўжалик меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтди.**

**Газета редактори К. Мавлонов коллективнинг ижодий режалари, газета саҳифаларида КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини пропаганда қилиш бўйича амалга ошираётган ишлари, редакция бўлимларининг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Бригада бошлиқларидан — икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Б. Назарқулов, КПСС XXVII съезди делегати Б. Турдибоева, Р. Абдураҳмонов, газетанинг штатсиз ва жамоатчи мухбирларидан И. Ҳатамов, Н. Ҳамзаевалар сўзга чиқиб, газета саҳифасида эълон қилинаётган материаллар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.**

**Дала меҳнаткашларининг ҳаётини тўлароқ ёритиш мақсадида колхозда мухбирлар пости тузилди.**

**А. ҲАМЗАЕВ,**
**Бекобод районн.**

### БОЛАЛАР ШИФОХОНАЛАРИ

**◆ КЕЙИНГИ йилларда шаҳримиз шифокорлари кишиларнинг ёшликдан саломатлигини таъминлаш йўлида қатор ибратли ишларни амалга оширдилар. Бир нечта болалар шифохоналари фойдаланишга топширилмоқда.**

Шу йилнинг ўзида Октябрь, Киров, Сергели районларида болалар поликлиникалари ишга туширилади. Бундай саломатлик масканларини Чилонзор ва Ҳамза районларида ҳам очиш кўзда тутилган.

Акмал Икромов районида чақалоқлар уйини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Чилонзор райони эса яқин кунларда реабилитацион характерда даволовчи болалар шифохонасига эга бўлади.

**С. ОДИЛОВА.**

**СЕВАРА Абдуқодированинг Янгийўл шаҳридаги марказий поликлиникада врач-невропатолог бўлиб ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у ўзининг ишчанлиги ва касбига меҳри туфайли коллектив ўртасида эътибор қозонмоқда. Севара ёш пропагандист сифатида ҳам медицина ходимлари ўртасида мунтазам суҳбатлар ўтказиб туради. Суратда: С. Абдуқодирова.**

А. Зуфаров фотоси.



### ДОРИХОНА ИШГА ТУШДИ

Себзор массивининг Марказ 17—18 кварталида яшовчилар яна бир қулайликка эга бўлдилар: янги қурилган дорихона хизмат кўрсата бошлади. У ўзининг барча қулайликлари билан аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Шу туфайли аҳоли мамнун.

**Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**пенсионер.**

# ҚЎШИҚЛАРИ КАБИ БАРҲАЁТ

**САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР**

Ўзбек совет театри ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган санъаткорлар ҳаёти ва ижодий фаолияти санъат мухлисларини ҳамиша қизиқтириб келган. Ана шундай санъаткорлардан бири таниқли созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Жабборовдир.

К. Жабборов 1916 йилда камбағал косиб оиласида дунёга келди. Отасидан жуда ёш қолган Комилжонни акаси машҳур камончи созанда Мўминжон Жабборов ўз тарбиясига олди.

Мўминжон ва бир группа созандалар йиғилишиб жўрнаво қилишар эди. Уларнинг санъатидан баҳраманд бўлиш учун йиғилган одамлар қатори Комилжон ҳам берилиб куй тингларкан, кейинчалик ўзи ҳам акасининг ёнида қошиқ билан усул ташлаб, уларга жўр бўла бошлади. Шу-шу Комилжон музика чалишни астойдил ўрганиб олишга бел боғлади. Ҳавас ихлосга айланди. 1920 йилларнинг ўрталарида ёш созандалардан ака-ука Юнус ва Рихси Ражабийлар Андижонга келиб созандалар билан танишдилар. Улар музикачилар қаторида ўтирган Комилжонни кўриб, бу боланинг қўлига соз беришни маслаҳат беришди.

1923 йил май ойида Андижон шаҳар сиёсий маорифи қарамоғида устоз Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида ҳаваскорлик музика тўгараги ташкил этилди. Унга санъатга қизиққан ёшлардан Мирзажон Тиллаев, Қосимжон Охунов, Раҳмон Отабоев, Мирзабаҳром Ҳошимов, Ғуломжон Раҳимов, Абдурайимжон Раҳмонов, Ҳакимжон Йўлдошев, Қўчқор Зиёев, Баҳром Қосимов ва бошқалар жалб қилинди. 11 ёшли Комилжон ҳам ана шу музика тўгарагига аъзо бўлди ва қўлига кичкинагина ғижжакни ушлаб камон торта бошлади.

Тўхтасин Жалилов театрга ишга таклиф қилингач, ҳаваскорлик тўгарагига наманганлик машҳур созанда Рўзиматхон Исабоев вақтинча раҳбарлик қила бошлади. 1925 йилда тўгарак аъзоларининг баъзилари театрга ишга таклиф этилди. Комилжонни эса уста Рўзиматхон ўзига шогирд қилиб Наманганга олиб кетди.

Чанг чалишни ўрганиб, тинимсиз машқ қилаётган Комилжоннинг истеъдодига катта умид боғлаган таниқли созанда, Ўзбекистон ССР халқ артисти Орифгармон Тошматов Наманганга тез-тез бориб, ундан хабар олиб турди. Кейинчалик устанинг таклифи билан Комилжон Тошкентга келиб, Ҳамза номли театрга ишга кирди. Моҳир камончи ва танбурчи Собиржон Сиддиқов, Мўйдинхожи Нажмиддинов ва бошқалар билан ишлаб камон чалишни пухта эгаллаб олди.

Ҳамза номли театр драма театрига айлантирилгандан кейин Комилжон Андижонга қайтиб келди ва театрда музика раҳбари лавозимида ишлади. У бастакор сифатидаги илк ижодини шу ерда бошлади. Ўшлик камончи Носир Салоҳов, андижонлик найчи Мирзажон Тиллаев ҳамкорлигида драматург Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» музикали драмасига куйлар басталади. Асар кейинчалик Ўш, Наманган, Фарғона, Самарқанд область театрларида ҳам намойиш этила бошлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Янгийўлда ташкил этилган музикали драма театри (ҳозирги пойтахтдаги Муқимий театри), ўз атрофида жуда кўп санъат усталарини тўплаган эди. Комилжон ҳам шу театрда созанда бўлиб ишлади. Шу йиллар ичида у тинимсиз изланди. Янги-янги куйлар яратди. Ёш санъаткор республикамизнинг кўзга кўринган бастакорлари қаторидан муносиб ўрин олди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Набижон Ҳасанов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Саиджон Калонов, Дадаали Соатқулов ва бошқалар қатори санъат шинавандаларининг катта ҳурматига сазовор бўлди.

Урушдан кейин шоир ва драматург Андижон педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасини кўп йиллар бошқариб келган профессор Ҳошимжон Раззоқовнинг «Нодира» музикали драмасига куйлар басталади. Бу спектакль Андижон театри саҳнасида узоқ умр кўрди. Комилжон, шунингдек, Салим Каримовнинг «Фурқат» музикали драмасига куйлар басталади, ўнлаб янги қўшиқлар ёзди. Радио ва телевидение орқали ижро этилаётган «Яхшироқ», «Диёримсан», «Пахтазор бўйлаб», «Наззора қил», «Тоза лутф», «Ҳур Ўзбекистон» ва бошқа қўшиқлар Жабборов яратган оригинал ва ўлмас куйлардандир.

1955 йилдан бошлаб Комилжон, Ортиқ Хўжа Имомхўжаев, Ғанижон Тошматов ва мен ўзбек Давлат эстрадасида ишлай бошладик. Биргаликда йирик-йирик концерт бригадаларининг музика раҳбари сифатида областлар ва қардош республикалар бўйлаб гастролларда бўлдик. 1960 йилдан бошлаб К. Жабборов Ўзбекистон телевидениеси ва радио эшиттириш давлат комитети қошидаги халқ чолғу асбоблари оркестрида, мақом ансамблларида созанда ва бастакор сифатида хизмат қила бошлади ва умрининг охиригача шу ерда ишлади.

Таниқли бастакор, моҳир созанда К. Жабборовнинг совет санъати соҳасидаги кўп йиллик хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бутун умри ва ижодий фаолиятини халққа бағишлаган бу санъаткор хотираси ҳамон севиб ижро этилаётган қўшиқлари каби барҳаётдир.

**Нусрат ИНОҚОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, кекса созанда, меҳнат ветерани.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ИРҚЧИЛИК ҚОРАЛАНДИ

◆ ДЕҲЛИ. Мамлакатдаги катта-катта хотин-қиз ташкилотлари вакилларининг бу ерда бўлиб ўтган умуммиллий конференцияси қатнашчилари Жанубий Африка Республикаси аҳолисининг ирқчи режимга қарши мардонавор кураши билан бирдамлик изҳор этдилар. Республикадаги турли штатлар ва иттифоқ территорияларининг вакиллари жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этиб, Африканинг жанубидаги вазиятни беқарор қилаётган Преториядаги режимга қарши кенг қамровли мажбурий чоралар жорий этиш мақсадларидаги куч-ғайратларни активлаштиришга даъват этди. Конференция қатнашчилари қабул қилган резолюцияда Вашингтон билан Лондоннинг Жанубий Африка республикаси билан ҳамкорлик қилиш йўли қаттиқ қораланган.

◆ АНТАНАНАРИВУ. Ирқчи Жанубий Африка Республикасига қарши кенг қамровли чоралар жорий этишдан Ғарбнинг воз кечаётганлиги империализм фойда кетидан қувиб, энг реакцион режимлар билан тил бириктираётганлигини яна бир карра тасдиқлайди, деб ёзади Малагасиянинг «Имунгу ваувау» газетаси. АҚШ, Англия, ГФР ва Япония корпорациялари учун Жанубий Африка — аввало жуда катта бозор бўлиб, бу ерда Америка компанияларининг ўзигина бир йилда ўрта ҳисобда 1,5 миллиард долларлик мол сотиб туради, деб ёзади газета. Шунинг учун ҳам Преториядаги режим империалистик ҳомийларнинг кўпчиликни ташкил этувчи африкаликларга нисбатан ўтказаётган оммавий репрессияларига, ирқчиларнинг Африкадаги суверен давлатларга қарши агрессив ҳуружларига кўз юммоқда.

**(ТАСС, 12 август).**

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БОНН. Ғарбий Германия бирлашган немис касаба союзлари ва Германия Демократик Республикаси эркин немис касаба союзлари бирлашмаси бу ерда тарқатилган қўшма баёнотда 2000 йилгача бўлган даврда Ғарбий Европа территориясидан бу ерда жойлаштирилган ҳамма ядро ракеталарини олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар. Ҳар икки давлат касаба союз арбоблари, дейилади ҳужжатда, Ғарб мамлакатлари ҳукуматларидан оддий қурол-яроғларни қисқартириш проблемасига ҳам амалий тарзда ёндашишни, Ғарбий Европада янги ядро қуроллари турларини синаб кўриш ва жойлаштиришдан воз кечишни, космик фазо ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликни, Европа қитъаси территориясида ядро ва химия қуролларидан холи зона барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватлашни қатъий талаб қилдилар.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустамлакачиликни тугатиш бўйича махсус комитети Қўшма Штатлар маъмуриятининг Жанубий Африка ирқчилари билан «конструктив ҳамкорлик» деб аталган сиёсатини қоралади ва рад этди. Комитет бир оғиздан маъқуллаган қарорда бу сиёсат «апартеид режимини Жанубий Африка ва Намибия халқларига қарши репрессияни янада кучайтиришга, Жанубий Африка Республикасининг мустақил Африка давлатларига қарши агрессияни авж олдиришига, шунингдек Намибия мустақиллиги тўғрисидаги масалада ЖАР аввалгидек муросасиз позицияда туришига рағбатлантиради» деб таъкидланади.

◆ КОПЕНГАГЕН. Даниядаги Оденсе шаҳри яқинида жойлашган Стенсгорд деган жойда Исландия, Финляндия, Швеция, Норвегия ва Дания ҳукуматлари бошлиқларининг норасмий учрашуви қатнашчилари БМТ хавфсизлик Кенгаши Жанубий Африка апартеид режимига қарши жазо чораларини жорий этиш тўғрисида мумкин қадар тезроқ қарор қабул қлишини кўзлаб, актив иш олиб бориш зарурлигини тан олдилар. Бундан ташқари, бош министрлар шу йилнинг охирига қадар Преторияга қарши санкциялар қабул қилиш мажбуриятини олдилар. **(ТАСС).**

## ОММАВИЙ МИТИНГ

◆ ПАРИЖ. Париждаги Аустерлиц вокзалида мамлакат йирик касаба союз бирлашмаси — умумий меҳнат конфедерацияси даъвати билан Франция темирйўлчиларининг оммавий митинги бўлди. Сўнгра темирйўлчилар одамларни оммавий равишда ишдан бўшатиш, темир йўлнинг бир қанча хизматларини ҳусусий кишилар қўлига топшириш режаларига қарши норозилик билдириш учун Франция пойтахти кўчаларидан ўтдилар. Намойишчилар «25 минг иш ўрни қисқартирилишига йўл қўйилмасин», «Биз транспортнинг хусусий кишилар қўлига топширилишига қаршимиз»,—деган сўзлар ёзилган транспарантларни кўтариб ўтдилар. Темирйўлчилар намойишида Франция Коммунистик партиясининг ФКП Сиёсий бюроси аъзоси Жан-Клод Гэссо бошчилигидаги делегацияси қатнашди.

## УРУГВАЙ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бу ерга расмий визит билан келган Уругвай президенти Хулио Мариа Сангинетти Бразилия билан Аргентинанинг Жанубий Атлантикада ядро қуролидан ҳоли бўлган, демилитарлаштирилган зона барпо этиш ҳақидаги таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини айтди. У Бразилияда чиқадиган «Глобу» газетаси саволларига жавоб қайтариб, Уругвай контадора группасининг Марказий Америка можаросини тинч ҳал этиш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашини тасдиқлади. Регионда тинчликни излаш йўллари қийин, деди президент, бироқ контадора группасининг куч-ғайратларига тўсқинлик қилиш Марказий Америкада тангликнинг янада кескинлашувига олиб келиши мумкин.

## ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

◆ **УИКЛОУ (Ирландия)**

Бу ерда бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Ирландия жамоатчилигига, барча яхши ниятли кишиларга мурожаат қилиб, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, мана шу ваҳшиёна оммавий қирғин қуролини йўқ қилиб ташлаш учун курашни авж олдиришга чақирдилар. Митинг Уиклоу графлигидаги ядровий қуролсизланиш учун Ирландия ҳаракати бўлими томонидан ташкил этилган эди. Тўпланганлар Хиросима ва Нагасаки атом бомбардимони қурбонлари хотирасини бир минут сукут сақлаб эсга олдилар.

◆ **НЬЮ-ЙОРК**

АҚШ маъмурлари навахо қабиласи ҳиндиларини ўз азалий ерларидан зўрлик билан кўчиришга тайёргарликни тезлаштирмоқдалар. «Катта тоғлар райони ҳиндиларини қўллаб-қувватлаш группаси» деб аталган жамоат ташкилотининг хабар қилишича, ҳиндилар иши бўйича федерал бюронинг юздан ортиқ ходими ҳозир Аризона штатининг шимоли-шарқий районига келтирилди. Бу ердан яқин вақт ичида 15 мингга яқин навахолар кўчирилиши керак. Миллий гвардия бўлинмалари ҳам шу яқин орада жойлаштирилган бўлиб, улар мажбурий кўчириш чоғида ҳиндилар қаршилик кўрсатадиган бўлса, бу ишга аралашиш ҳақида кўрсатма олишган.

◆ **ХАРАРЕ**

Зимбабведа Жанубий Африка Республикасининг иқтисодий тазйиқига қарши ҳаракат қилиш бўйича махсус ҳукумат комитети тузилди. ЖАР Зимбабвени апартеид режимига қарши кенг қамровли жазо чоралари қўлланилиши учун курашдан воз кечишга мажбур қилишга уринмоқда. Ҳукумат комитети Преториянинг дўқ-пўписасига қарши самарали ҳаракат қилиш мақсадида мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш, савдо ва транспорт ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Зимбабвенинг денгизга чиқадиган йўли йўқ, унинг экспорт ва импорт юкларининг асосий қисми ҳозир Жанубий Африка орқали ўтади. Яқинда Претория Зимбабве ва Замбияга юк ташишни чеклаб қўйди. «Фронт яқинидаги» давлатлар бу хатти-ҳаракатларни иқтисодий қамалнинг бошланиши деб ҳисоблаб, уни енгиб ўтиш учун шошилинч имкониятларни қидирмоқда.

**(ТАСС).**

